

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС...

**Андакулова Нигора Набижон қизи,
талаба**

nigoraandakulova21@gmail.com

**Явкачева Зулхумор Абдурасиловна,
илмий рахбар**

zulkhumoryavkacheva1@tstu.uz

Тошкент Давлат Транспорт Университети

Аннотация: Мақолада фарзанд тарбияси, ота – онанинг вазифалари, аждодларимизнинг тарбия тўғрисидаги илмий мероси, тарбия услуги, турлари, фарзанд тарбияси инсон ҳаётининг асосий мазмуни эканлиги, жамиятимизда ҳар бир инсон ўз ўрнига эга бўлишида тарбиянинг аҳамиятли эканлиги кенг ёритилган.

Ота – она бўлиш, фарзанд тарбиялаш, улғайтириш ҳар бир инсоннинг дунёдаги энг муқаддас вазифасидир. Бу инсонни ич – ичидан севинтирадиган, ҳаяжонга соладиган, қаноатлантирадиган вазифа саналади. Фарзандни дунёга келтириш ва уни парвариш қилиш масъулиятли иш. Шу билан бир қаторда, солиҳ фарзанд улғайтириш – маънан соғлом, кенг дунёқарашга эга, ўзи ва бошқалар билан тил топишиб, атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира оладиган шахсини тарбиялаш керак. Тарбия ота – она ҳаётидаги энг асосий, муқаддас ва бир умр давом этадиган санъат ҳисобланади. Фарзанд тарбияси – узлуксиз жараён. Бунда сабр – қаноат ва ишонч лозим.

Энг жиддий ва нозик саналган фарзанд тарбиясида санъат оламидагидек нафис ва атрофлича фикрлаш, сабр ва меҳр билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Энг кичик хатолар ҳам катта нохушликларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан фарзанди бор инсонларнинг ҳаммаси ота – она номига лойиқ бўла олмайди. Ота – она бўлиш – мажбурият эканлигини ҳис қилишдир. Шу билан бирга бола деб аталмиш қадрли бебаҳо, бироқ ожиз омонатни елкага кўтаришдир. Фарзанд улғайтираётган ҳар бир ота – она қуйидаги саволларга жавоб ахтаради:

- Қандай қилиб фарзандимни етук инсон қилиб улғайтира оламан?
- Болага танбеҳ ва озор бермасдан вояга етказиш мумкинми?
- Фарзандимни жамиятга фойдаси тегадиган шахс қилиб тарбиялаш учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим?
- Фарзандимга қандай суянчиқ бўла оламан?

Бундай саволарга ва вазиятларга тушишини билган ота – оналар билим,

тажриба, фарзанд тарбиясига оид маслаҳатларни топишга ҳаракат қиладилар.

Калит сўзлар: фарзанд, ота – она, аجدод, авлод, илмий мерос, жамият, тарбия, фазилат, бола, атроф – муҳит.

Аннотация: в статье широко освещаются задачи воспитания детей, задачи родителей, научное наследие наших предков по воспитанию, стиль воспитания, его виды, тот факт, что воспитание детей является основным содержанием жизни человека, важность воспитания в нашем обществе в том, что каждый человек у него есть свое место.

Быть родителем, воспитывать ребенка, становиться взрослым — это самая священная миссия каждого человека в мире. Считается, что это задача, которая восхищает, волнует, удовлетворяет человека изнутри. Рождение ребенка и уход за ним - ответственная работа. С другой стороны, должен вырасти праведный ребенок - духовно здоровый человек, обладающий широким мировоззрением, умеющий ладить с самим собой и другими и реагировать на происходящее вокруг. Воспитание считается самым основным, священным искусством в родительской жизни, длящимся всю жизнь. Воспитание ребенка — это непрерывный процесс. В этом нужны терпение и уверенность.

В воспитании ребенка, которое считается самым серьезным и деликатным, требуется мыслить так же элегантно и всесторонне, как и в мире искусства, действовать с терпением и любовью. Даже самые незначительные ошибки могут причинить большие неудобства. По этой причине не все люди, у которых есть дети, могут заслужить родительское имя. Быть родителем — это чувство, которое накладывает на них обязательства. В то же время, так называемый Дорогой ребенок — это бесценный, но беспомощный вклад в развитие семьи. Каждый родитель, воспитывающий ребенка, ищет ответы на следующие вопросы:

- Как мне вырасти, чтобы мой ребенок стал зрелой личностью?
- Возможно ли воспитать ребенка без упреков и раздражения?
- На что мы должны обратить внимание, чтобы вырастить моего ребенка человеком, приносящим пользу обществу?
- Как я могу опереться на своего ребенка?

Родители, которые знают, что они столкнутся с подобными вопросами и ситуациями, попытаются найти совет относительно знаний, опыта, воспитания детей.

Ключевые слова: ребенок, родитель, предок, поколение, научное наследие, общество, воспитание, добродетель, ребенок, окружающая среда.

Abstract: *The article extensively highlights the tasks of parenting, the functions of parents, the scientific heritage of our ancestors in parenting, the style of parenting, its types, the fact that parenting is the main content of human life, the importance of education in our society is that each person has his place.*

Being a parent, raising a child, and becoming an adult is the most sacred mission of every person in the world. It is believed that this task delights, excites, and satisfies a person from the inside out. Giving birth to a child and caring for him is a responsible job. On the other hand, a righteous child should grow up - a spiritually healthy person with a broad worldview, able to get along with himself and others and react to what is happening around him. Parenting is considered the most basic, sacred art in parental life, lasting a lifetime. Raising a child is an ongoing process. This requires patience and confidence.

In the upbringing of a child, which is considered the most serious and delicate, it is necessary to think as elegantly and comprehensively as in the world of art, to act with patience and love. Even the most minor mistakes can cause great inconvenience. For this reason, not all people who have children can earn a parental name. Being a parent is a feeling that imposes obligations on them. At the same time, the so-called Dear Child is an invaluable but helpless contribution to the development of the family. Every parent raising a child is looking for answers to the following questions:

- How can I grow up so that my child becomes a mature person?*
- Is it possible to raise a child without reproaches and irritation?*
- What should we pay attention to to raise my child as a person who benefits society?*
- How can I lean on my child?*

Parents who know that they will face similar questions and situations will try to find advice on knowledge, experience, and parenting.

Keywords: *child, parent, ancestor, generation, scientific heritage, society, upbringing, virtue, child, environment.*

КИРИШ

Бола тарбиясида — қатъият, чидам ва билим ҳам муҳим саналади. Билимнинг ўзи кифоя қилмайди, уни ҳар доим амалда қўллаш лозим бўлади. Боланинг дунёсига унинг олами билан кириб бориш лозим. Фарзанднинг истак ва хоҳишларини ота — она тинглаб, фикрлаб, уни тўғри йўлга йўналтириш улар учун энг тўғри йўл ҳисобланади. Болага севгимизни, меҳримизни ўз вақтида кўрсатишимиз, уни рағбатлантириб, руҳлантириб туришимиз, суҳбатлашиб, уларни қийнаётган саволларга

биргаликда жавоб топишимиз лозим.

Бола жамият қадриятларини, аввало, оилада ўрганади. Ахлоқ, эътиқод, инсоний ғазилатлар болада ёшлик чоғларида шаклланади. Бола, энг аввало, ота – онасининг ҳар қандай шароитда ўзларини қандай тутишлари, қилаётган амалларидан ўрнак олади. Ҳар бир боланинг ўз дунёси бор, шу сабабли фақат китоблар, удумлар асосида болани тарбиялаш мумкин эмас. Меъёридан ортиқ каттиққўллик ҳам боланинг руҳий мувозанатини ўзгартиради.

КИТОБЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир халқ ўз болаларининг бахтли бўлиши учун қадимдан курашиб келган. Буни авлодлардан авлодларга ўтиб келган маънавий хазина – китоблардан билса бўлади. Ана шундай китоблардан бири – “Авесто” дир.

Таниқли олим Жўра Йўлдошев “Авестода ахлоқий – таълимий қарашлар” китобида зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авестода” таълим – тарбия тўғрисида фикрлар билдирилган. Зардуштийлик динининг асосчиси ва “Авесто” китобининг муаллифи Спитама Зарадуштра (эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охирларидан I минг йилликнинг кейинги асрларигача бўлган давр) тарбия тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради: Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”. “Авесто”да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари қуйидаги тартибда тавсия этилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- в) жисмоний тарбия
- с) ўқиш ва ёзишга ўргатиш

Зардуштийликда маърифат ва билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинади ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада маърифат ютиб чиқади деб ҳисобланган. Ўша даврда болаларнинг фақат сихат – саломатлик ва жисмонан бақувват бўлиши ҳақидаги эмас, балки илму – маърифат олиши ва маънавий софлиги, яхшилик, эзгулик хислатларини эгаллашлари тўғрисида ҳам ғамхурлик қилишган.

Ана шундай китоблардан яна бири – Шарқда машҳур бўлган “Қобус - нома” дир. У XI асрда, форс – тожик тилида яратилган, жуда кўп тилларга таржима қилинган. “Қобуснома”да касб – ҳунар ўрганишнинг зарурлиги хусусида шундай дейилади: “Агар табиатинг ҳар қанча асл бўлса ҳам, унга мағрур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги ҳунар беағи билан зийнатланмас, ҳеч нарсага арзимади. Улуғлик ақл ва билим биландир, насл – насаб билан эмас. Ота – онанг қўйган исмга мағрур бўлмагил, бу исм фақат ташқи

кўринишдан бошқа нарса эмас.Аммо сен ҳунар билан бирга номга эга бўлгил”.

Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлардан бири бўлган Абу Али ибн Сино оилавий тарбиянинг умумий асосларини баён этишга ҳаракат қилган.Ибн Сино болани тарбиялаш омилларини таҳлил қилиб, улардан энг тўғриси – болалар билан бирга бўлиш ва ижобий мисоллардан фойдаланиб, алоҳида – алоҳида суҳбатлашиш, унинг иззат – нафсига тегмаслик, деб уқтирган.Ибн Сино тарбияда отанинг ролини ифодалашга катта аҳамият берган. “ Рўзғоршу-нослик” китобида оилада асосий тарбиячи ота бўлиши, у мақсадга эришмоқ учун болага танбеҳ бериши, баъзида рағбатлантириши, мақташи тўғрисида фикр билдирган.

Тарбия ҳақида Имом Ғаззолийнинг ” Ихёу улумуд - дин ” китобида бундай дейилади: “ Бола ота – она кўлида бир омонатдир.Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота – онаси ҳамда одоб, таълим – тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади”

МЕТОД ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир оиланинг тарбиялаш услуби ҳар хил.Кимдир ўз фарзандининг орзуларини амалга оширишга ҳаракат қилади, кимдир эса ўз орзуларини фарзанди орқали амалга оширишга интилади.

Тарбия бир неча хил бўлиши мумкин: бадан тарбияси, руҳий тарбияси, ақл ва фикр тарбияси,ахлоқий тарбияси, ирода тарбияси, меҳнат тарбияси ва бошқалар киради.

1. Бадан тарбиясига болани жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, тозалик ва покликка ўргатиш, спорт ва бадантарбия машқларига кўниктириш кабилар киради.

2. Руҳий тарбияда боланинг мақсади, эътиқоди, диёнати, имонини шакллантириш, унинг чин инсоний фазилатларини камол топтириш; ҳиссиётга берилувчан ва таъсирчан болаларда ҳақиқатни кўра билиш, жасурлик, матонат каби хислатларни шакллантириш,аксинча, дийдаси каттиқ болаларнинг қалбини юмшатадиган омиллар ёрдамида уларни майин ҳиссиётли қилиб тарбиялашдан иборат.Болани руҳий тушкунликка тушишдан, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишдан ҳимоялашда бундай тарбиянинг аҳамияти катта.

3. Ақл ва фикр тарбиясини яхшилаш учун боланинг фикрлаши,заковати, хотираси ва мушоҳада қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам берувчи машғулотлар ўтказилади, унга турли ибратли эртак ва ҳикоялар сўзлаб берилади, зарур билим ва маълумотларлар ёдлатилади.Одатда,болалар

кичик ёшда ҳар бир кўрган нарсаси ҳақида сўрайдиган, уларни текшириб, синаб кўрадиган, тинимсиз саволлар берадиган бўлади. Бундай пайтда уларнинг саволларига эринмай, ҳафсала билан тушунарли, содда қилиб жавоб бериш керак.

4. Ахлоқий тарбия бериш учун, энг аввало, ота – она фарзандига ахлоқ ва одоб бобида ўрнак кўрсатиши, одобдан мунтазам сабоқ бериб бориши керак бўлади.

5. Ирода тарбиясида фарзандингизни иродаси кучли шахс қилиб камол топтиришдир. Боланинг қайсарлик даврида (4 ёшдан 16 ёшгача) олиб бориладиган тарбияда қаттиққўллик, чидам керак бўлади, аммо айтилган дамда меҳр, самимийликни ҳис этиб туриши лозим.

6. Сўзлашув тарбиясида бола камолотида муҳим ўрин тутди. Одатда, ўғил – қизлар бир ярим – икки ёшдан гапира бошлашади. Уларга кичиклигидан сўзларни тўғри талаффуз қилишни, катталарга мурожаат қилиш одобларини ўргатиш, беҳаё сўзларни ёмонлигини тушунтириш лозим. Энди тили чиққан вақтида фарзандимиз оғзидан чиқаётган нобоп сўзларга бефарқ бўлмасдан, бундай сўзлар яхши эмаслигини дарҳол уқтиришимиз лозим. Акс ҳолда, бир кун келиб ўша сўзлар фарзандимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида ўзимизга нисбатан ҳам айтилиши мумкин.

7. Меҳнат тарбиясида болага ҳалол касб билан кун кўриш ҳақида насиҳатлар қилинади, меҳнатга муҳаббат уйғотиш учун болалигидан унга турли майда юмушлар буюриб турилади.

Хулоса: Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, фарзандларга меҳр шафқатли бўлиш, уларни севиб эркалаш, ҳамиша очик чеҳра билан мулойим муомала қилиш, зарурий эҳтиёжларини қондириш, ҳар жабҳада уларга шахсий ибрат кўрсатиш ота – онанинг муҳим вазифаларидандир. Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам кўпайиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, биринчи навбатда ҳар бир ота – онанинг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.
2. Комилова Г., Шойзоқова Д. Ҳамма нарса болам учун. – Т.: “Юрист - медиа маркази”, 2009.
3. Мақсудов Т. Оила этикаси ва психологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991.